

Замирахон Рухитдиновна ИСАҚОВА
Наманган давлат университети
Ижтимоий фанлар кафедраси доценти
фалсафа фанлари номзоди,
ms.outstanding@mail.ru

ИРФОНИЙ БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ КОГНИТИВНОГО ПОЗНАНИЯ ИРФАН

FEATURES OF COGNITIVE IRFAN

Аннотация. Ирфоний билишда ўзига хос ёндашув инсоннинг онг, жон, руҳият, инстинктлар, нуқсонлар, фазилятлар каби муҳим хоссаларидан келиб чиққан ҳолда имманент (ички), трансцендентал таҳлил қилиш усули бўлиб, илмда ақл (тафаккур, фаолият), нақл (огзаки ҳикоя, қисса, ривоят) ва тажриба (уқув, малака, билим)га таянилади. Мақолада ирфоний билишнинг ўзига хос хусусиятлари манбалар асосида фалсафий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ирфон илми, ориф, илм, маърифат, ҳикмат, ирфоний билимлар, нафс, ҳол, мақом, ишқ.

Аннотация. Уникальный подход к когнитивному познанию - это метод имманентного (внутреннего) трансцендентального анализа, основанный на важных человеческих качествах, таких как разум, душа, психика, инстинкты, недостатки и добродетели.) И опыте (подготовка, навыки, знания). В статье дается философский анализ, основанный на особенностях мистического познания.

Ключевые слова: ирфан, ариф, илм, маърифат, хикмат, знание ирфан, нафс, хол, маком, ишк.

Annotation. A unique approach to cognitive cognition is a method of immanent (internal), transcendental analysis based on important human qualities such as mind, soul, psyche, instincts, flaws, and virtues) and experience (training, skills, knowledge). The article provides a philosophical analysis of the specific features of mystical knowledge based on sources.

Key words: irfan, arif, ilm, marifat, hikmat, knowledge of irfan, nafs, hol, makom, ishk.

КИРИШ

Ирфон Аллоҳга яқинлашиш, “мен”ликни йўқ қилиш, нафсга қарши кураш, ўз борлигида

йўқ бўлиб (фанофиллох) Аллоҳ борлигига сингиш (бақобиллох, башарий иродада илоҳий ирода ва сифатлар намоён бўлиши) йўлидир. Фанонинг туб моҳияти солиқнинг ёмон феъл ва ёмон сифатларни тарк қилиши, Аллоҳнинг гўзал сифатлари ва феълларига эришиши, инсоний иродадан илоҳий иродага қўчиши, тавҳид асрорига эришишида намоён бўлади.

Ирфон аҳлининг Аллоҳга томон “юриши” аввалида ёмон феъл, қалб муолажаси (қалбнинг илоҳий билимларга яқинлиги)га ўтилади, мақомот даражасидан бир поғона юқори кўтарилиш жараёни орифлик даражасининг ошгани ва “қурбат” ҳосил қилингани билан изоҳланадики, Аллоҳ ҳузурида даража ва мақомот беҳисобдир. Аллоҳнинг ирфон аҳли томон юриши Аллоҳнинг мадади билан орифнинг нафсига қарши кураши хайрли якун топишида намоён бўлади. Бунинг сабаби шундаки, орзу-ҳавас ҳар доим янгитдан туғилаверади. Инсон ҳар лаҳза нафсга алданиши, нафс тузоғига тушиши мумкин. Чунки нафс инсоннинг ичида, ботинида. Нафсни ўлдириш керакми ёки тарбиялаш масаласи тасаввуф илмида асосий мавзулардан биридир. Нафсни ўлдириш беҳуда иш, чунки уни минг бошли аждаҳога ўхшатилади, битта бошни ўлдирсанг, бошқаси рўпара келади. Инсоннинг нафсини тарбиялаш, нафси ва руҳи билан келишиш энг тўғри йўлдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ирфоний билишнинг интровертив сирини теран англаш учун ўз ички оламини тавҳид ва маърифат нури чулғанган ориф ва валийнинг маънавий-руҳий камолот даражаларини таҳлил қилишни тақозо этади. Абу Ҳомид Ғаззолий ирфон аҳли шарият қизигидан четга чиқмаслиги, унинг сўзи ва амали Куръон ақидалари ва Аллоҳ Расулининг ҳадисларига мувофиқ бўлиши лозимлигини ёқлаган [1.39].

Мақомот одоб ва аркон жиҳатидан фарқланса ҳам, туб моҳияти Аллоҳ ризолигига эришишдир. Руҳий-маънавий юксалган орифда гўзал сифатлар жамланиб, мақомотдаги коэволюцион (тадрижий) жараён тавҳидни чуқур идрок этиш, ўзи ҳам тавҳиднинг бир қисмига айланиш (субъектнинг объектга қўшилиб, борлиқ ичра йўқлиги), “фано”дан “бақо” (“ўлмасдан бурун ўлиш”)га ўтиш ҳолатини ифодалаб, руҳий камолот диалектикасини намоён этган. Ҳаким Термизий Ҳақ йўлига кирган солиқ етти манзил

(мақом) – тавба, зуҳд, нафси чеклаш, муҳаббат, ахлоқ, ражо (қўрқув) ва курбат (яқинлик)дан иборат тарбия жараёнини ўташ лозимлигини уқтирган [2.8-19]. Абу Наср Саррож (ваф. 988 й.) етти мақом, Абу Бакр Калободий (ваф. 995 й.) ўн етти мақом, Абу Саид Майхоний (ваф. 1049 й.) қирқ мақом, Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 1089 й.) юз мақом, Ибн Арабий (ваф. 1200 й.) 19 мақом ва 360 манзилни кўрсатишган [3.26]. Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф. 1505 й.) тариқат мақомлари 444 та эканини қайд этган [4.13].

Ориф илоҳий маърифатга эришиш учун муайян талабларни бажариши, ботиний олами, қалбини ҳар хил дунёвий қусурлардан фориғ этиши, маънавий босқич ёки мақомдан ўтиши даркор [5.4]. Нафс инсоннинг моддий ўзлиги, ботинида идора этувчи, жисми, моддий борлиги, ҳаёт учун зарурий манфаатларини қўриқлаш ва қўллаш мақсадида фаолият кўрсатувчи “мен”лигидир [6.13]. Мақомот одоби шуки, маънавий юксалиш фақат нафси енгил орқали қўлга киритилади. Ирфоний сайру сулук (саёҳат) муттасил изланиш мақомидирки, ирфон ва ахлоқ ўртасидаги фарқни шу ерда кўриш мумкин, яъни ахлоқий қоидалар (меъёрлар) катъий, моҳиятан ўзгармайди.

Ирфон аҳлининг маънавий камолотида фаросатнинг ўрни катта бўлиб, унга ҳақ йўлни кўрсатган. Кўрсатилган босқичларнинг ҳар биридан ўтиш натижасида ориф ахлоқий ва маънавий такомиллашиб, ҳақиқатни билишга яқинлашган. Ахлоқий нуқтаи назарга кўра, инсон руҳи гўзал фазилат ва сифатлар билан безатилган бўлса, ирфонда ахлоқий меъёрлар диалектик (воқеликни билиш ва унга асосланган тафаккур методологияси) тарзда тақдим этилади. Маънавий-ахлоқий меъёрларда айрим чегаралар бўлиб, оддий кишилар бу чегаралар ҳақида ахлоқий қоидалар ёзилган китоблар орқали билади ва амал қилади. Ирфоний билишда ҳақ йўлчисига ёзилмаган қонун-қоида (яхши ва ёмонни, эгри ва тўғрини бир деб кўриш)лар ва бошқа одамлар хабардор бўлмаган илоҳий билим (қалб кўзи, фаросат, кашф, илҳом, басира)лар дарвозаси очилади.

Ақл Аллоҳга бандчилиқ қилишда бир асбоб бўлиб, Ҳақни билишда восита эмас [7.51]. Орифнинг мақсади борлиқ ҳақиқатига эришиш, Аллоҳга яқинлик қилишдир. Ориф ирфон соҳиби бўлиши, тавҳид сирига етиши учун тўрт иллатдан қутилиши лозим: биринчиси, тан ва тўн қирлиги, иккинчиси, кўнгил қирлиги,

учинчиси, тубан, ёмон ахлоқ, тўртинчиси, сирни пок тутмоқлик. Ана шунда Маъруф билан ориф бирлашади [8.37].

Ирфон соҳиби бўлишнинг икки шакли бўлиб, биринчиси, Аллоҳнинг зоти ва сифатларига нисбатан ирфон туйғусига эга бўлишдирки, бу зоҳирий ва ботиний илмлар орқали юзага чиқади. Асл ирфон илми Аллоҳга нисбатан тўла маърифат туйғуси бўлиб, ирфон илми дейилганда тавҳид назарда тутилади.

Ирфон йўлига илк қадам қўйган сўфий нарса-ҳодисаларнинг моҳиятини тўлиқ англамай, ботинида ва руҳиятида рўй бераётган ҳолатларни изоҳлашга уринади. Янги ва янги мақомга кўтарилиши ҳамда илоҳий олам сир-асрорини кашф этиши орқали унинг қалбида ботиний ҳузур, сокинлик пайдо бўлади. Қалбдаги сафо ва сокинликнинг куч-қудрати ориф маслагининг собитлигида намоён бўлади.

Ориф ўзини Аллоҳдан ўзгага муҳтож деб билмайди, ҳеч кимдан тамаъ қилиб, эҳтиёжи учун ўта зарур нарсани ҳам сўрамайди, “сирри”ни Аллоҳдан ўзгага ошкор этмайди, борлиги, муҳаббатини Аллоҳга бахш этади. Шу маънода, ориф Аллоҳ сирларининг қўриқчисидир [9.129].

Ирфон “идрок қилувчи (ориф)нинг идрок қилинган ҳодиса (борлиқ) билан муштарақлиги (Аллоҳ)” асосида ҳосил бўлади, яъни сўз “ишорат” (ишқ манбаи ҳақидаги билимни сўзлар билан эмас, бошқа усулда англатиш) воситасида англашилади.

Ирфоний маърифат бир йўналишда ривожланмаган, шунга кўра, ирфон аҳли орасида турли табиатли кишилар, масалан, зоҳидлар, обидлар, орифлар, ошиқлар, мажзублар, девоналар, қаландарлар, донишмандлар, файласуфлар бўлган. Уларнинг илоҳий маърифат бобидаги даражалари ҳам бир-биридан фарқланган [10.178]. Нафсини риёзат билан покламаган солиққа мақомот одобларининг йўли очилмайди [9.45], яъни тариқат мақомлари бўйлаб юксалиш фақат нафси енгил орқали қўлга киритилади. Мақомотлар одоб ва аркон жиҳатидан фарқланса ҳам, туб моҳияти бир, яъни мақсад Ҳақ ризосидир. Ҳақ аҳлининг руҳий-ахлоқий камолот йўли мақомот манзиллари орқали туталиб, илоҳий маърифат сари интилган. Айрим тадқиқотларда шариат ва тариқат аҳли ўртасида зиддият зикр этилганки [11.213], шариат ва тариқат аҳли ўртасидаги ихтилофлар

баъзи тасаввуф йўналиши вакиллари, айрим мутасаввиф ва уларнинг издошларига хос бўлган.

Инсоннинг илоҳий ишқ билан тўла банд бўлиши жазба (экстаз)га олиб келади. Гарчи жазба, ишқмуҳаббат орифни Аллоҳга етакловчи куч бўлса ҳам, бу куч риёзат орқали мустаҳкамланиши, амалий мазмунмоҳият касб этиши лозим. Бу каби риёзатлар манокибларда кенг ёритилган. Масалан, Абу Саид Абулхайр тонггача зикр билан машғул бўлса, Саҳл Азҳар Исфаҳоний кундузи рўзадор бўлиб, тунларини ибодат билан ўтказган.

Ориф ҳамма нарса Аллоҳнинг мулки, ризқ бергувчи ҳам, асрагувчи ҳам Ўзи деб, Аллоҳга таваккул (барча ишда Аллоҳга боғланиш, олий ирфоний мақомот) қилган. “Ҳар ким Аллоҳга бир қарич яқин борса, Ҳақ таоло унга бир газ яқин бўлғай” [12.41] ҳадисидан илҳомланган ориф ҳаж амалини қалб ҳузури билан адо этган.

Тариқат комил ахлоқ йўлидир. Комил муршид ҳамиша Ҳақ ёди билан бўлиб, катта-кичикдан ўзини паст тутиб, олий инсоний вазифа бўлган халқ хизматига ҳиммати билан камарбаста бўлган. Раиятнинг хатти-ҳаракатида нуқсон кўрган муршид нуқсонни тўғрилаш йўлини юмшоқлик ва мулойимлик билан амалда кўрсатган, ҳеч нарсасини бошқалардан қизганмаган, аксинча, одамларнинг қайғу ва шодликларига шерик бўлган.

Мулойимлик ҳикматнинг бошидир [13.96]. Аллоҳ дўстларининг қалблари ҳилм (юмшоқлик) ва мулойимлик хулқлари билан тўла бўлганки, унда кибр-ҳаво, ҳасад, душманлик, ғазаб, манманлик ва ёлғончиликка ўрин қолмаган. Хожа Аҳмад Яссавий “ҳар ким билан яхши муомалада бўлиш ва ёмон муомалада бўлмаслик, пирнинг ижозатисиз сўзламаслик, жавонмардлик қоидаларига риоя этиш, барчанинг хизматига камарбаста бўлиш, нафсни енгиш, ҳавою нафсни тарк этиш” каби факрнинг одобларини санаб ўтган:

Қул Хожа Аҳмад, ҳар на бўлсанг, фақир бўлғил,

Қайда борсанг, бўйнинг қисиб, Ҳақир бўлғил,

Ошиқ бўлсанг, ишқ илкида асир бўлғил,

Асир бўлмай, ҳеч ким мурод топкони йўқ [14.88].

Ирфоний билимлар ривожининг ўзига хос хусусияти яна бир масалада теран англашилади: маънавият ижтимоий тараққиётнинг имконият

ва истиқболини белгиловчи ижобий, рухий омилдир [15.3].

Инсоннинг бу дунёга келишидан мақсади ўзлигини англаши, Ҳақни таниши ва билиши, Аллоҳга ҳақиқий бандалик қилишидир. Моддийлик ва руҳонийлик муштарақ бўлган инсон камолот касб этади. Маънавият ва иқтисод бир-бири билан уйғун раванқ топган жамиятнинг келажаги фаровон бўлади. Аслида тасаввуф мол-дунё, бойликка қарши бўлмаган, ирфон аҳли ичида бой ҳам, камбағал ҳам бўлган. Илм аҳли ҳам савдо-сотик ишлари билан машғул бўлган. Фақат уларнинг мақсади бойликка қўнғил қўйиш, дунё йиғиш бўлмаган, аксинча, бойликнинг моҳиятини тўғри англаб, эзгу ишларга йўналтиришган. Бойликнинг ирфоний моҳияти шундаки, дилдан бойликка меҳр кўрсатмаслик орқали бутун олам бойлиги қўлда йиғилган ҳолда ҳам унинг илоҳий сир (ишқнинг яширин манзили) учун йўл бўла олмаслигини англашдир. Аллоҳнинг маърифатига бойлик ва мол-дунё билан эришилганида эди, аввал бадавлат кишилар Аллоҳнинг маърифатига эришган бўлар эди. Инсон қалби дунё неъматлари ва орзу-ҳаваслари билан тўлиқ бўлса, илоҳий маърифатдан бебаҳра қолади. Ҳар ким бой бўлса, унга йўқлиги хуш кўринмайди, “яна бой бўлсам” деб ҳаракат қилиб, умрини беҳуда ўтказди. На дунёда роҳат кўради, на охирада [16.45]. Қалб озод ва огоҳ бўлса, илоҳий маърифатга йўл очилади. Ориф Аллоҳ ҳузуридаги маънолар уммонига ғарқ бўлади. Кўпчилик назарида пул унга эга бўлмаганларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал эта олади. Бу хато қараш бўлиб, агар тўғри қараш бўлганида пули кўп бўлганларнинг муаммолари йўқ бўлиши лозим эди. Ориф учун моддий дунё ашёси сифатида пулнинг аҳамияти йўқ.

Ирфон аҳлининг маънавий юксалиши сабр илм, ҳол ва амал билан камолга етган. Абу Муҳаммад Робисий (ваф. 977 й.) “сўфийни ер кўтармаса, осмон унга соя солмаса, халқ назарига туша олмаса, ҳар қандай ҳолатда мурожаат этадигани Аллоҳу таоло бўлмаса, ориф бўла олмайди” [9.188] дейдики, зоҳирини тоат-ибодат хизматига боғлаб, ботинини барча дунёвий алоқалардан узган, қалби мусаффо, ақли юксак, фазли дарё, қўнғил муҳаббат аҳди билан тўлган орифнинг ҳиммат кўзи олдида олтин билан тупроқ тенг бўлади. Бундан англашиладики, ориф дам (нафас, вақтнинг

киска даражаси) билан топган нарсасига кадам билан эришади, яъни “илм ул-яқин” (ақлий далилларга асосланиб эришиладиган билим) рутбасидан “айн ул-яқин” (ғайб олами билан ориф ўртасидаги “парда”ларнинг кўтарилиши туфайли ҳосил бўлган билим, ақлий далилсиз, кашф ва шухуд билан кўриш) рутбасига тараққий этади. Илм ул-яқин оловга кўзни юмиб қараш бўлса, айн ул-яқин оловга кўзни очиб қараш, ҳаққ ул-яқин эса олов ичига кириш ва унда йўқ бўлишдир [17.24].

Фақр Аллоҳ васлига етишга монелик қиладиган барча тўсиқлар (ўзлик, кибру ҳаво, манманлик, нафс талаблари, мол-мулк ва мансаб орзуси)дан кечиб, кўнгилни Ҳақ назаргоҳига айлантиришдир. “Қуръон”да “Эй инсонлар! Сизлар Аллоҳга муҳтождирсизлар. Аллоҳнинг ўзигина (барча одамлардан) беҳожат ва (барча) мактовга лойиқ зотдир” [18.15] дейилганки, фақр банданинг, бойлик Яратувчининг сифатидир, яъни фақрлик орифнинг Аллоҳнинг қудрати олдида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳис этиш бўлиб, унинг моддий етишмовчилик ёки тиланчилик билан алоқаси йўқ [10.20].

Фақирлик ҳар қандай танловдан хоилик, бандалик сифатини йўқотиш, (руҳоний оламда яшаш)дир. Фақир учун бойлик ва камбағалликнинг фарқи бўлмайди. Фақир таркидунё қилиш, меҳнатдан узилиш, ҳаётга қўл силташ эмас, аксинча ботин оламини поклаш, қалбни сафолашдир. Фақр инсоннинг маънавий-руҳоний муҳтожлиги бўлса, шукр (неъмат берувчига мактов сўзларини айтиш) ўз миннатдорлигини тили ва қалби билан изҳор этиш бўлса, шукр Аллоҳга ҳузу, муҳаббат, эътироф, мактов бўлиб, қалб, тил ва аъзолар билан адо этилади.

Зикр (дил, фикр, туйғуни Аллоҳга йўналтириб, Аллоҳ билан руҳан боғланиш Унинг исмларини зикр қилиш орқали Аллоҳнинг чексиз қудрат, гўзаллигини идрок этиш) орифнинг таоми бўлиб, нурга қиёс этиладигани, зикр қалбни ишғол этиб ўз ҳукмига олганда қалбни ҳам, қалб кўзини ҳам нурлантиради. Шу тарзда олдин кўришга тўсқинлик қилган қоронғу ерларда ҳам нарсаларни қалб кўзи билан кўришга эришади [19.90]. Ирфон соҳиби Аллоҳ зикрида чарчамайди, ундан ўзга билан суҳбатдош бўлмайди, зикр чоғида очликни ҳам ҳис этмайди, яъни зокир (зикр қилувчи) нинг зикри зикр ичида зикрдан ғойиб бўлиши билан ниҳоясига этади ва Аллоҳ зикрига ғарқ

бўлган зокирни Аллоҳ ҳам зикр қилади [20.19]. Зикр тилнинг илоҳий сўзларни такрорлаши эмас, балки Аллоҳнинг идроки билан “илоҳий тажаллий”ни қалбга жойлашдир. Зикрда давомли бўлиш зикр ҳақиқатини қалбнинг яратилиши ғояси билан бирлаштириб, бошқа туйғулардан покиза, илоҳий ва раббоний бўлган қалб жавҳарига айланади. Зикр ва қалб бир-бирининг айниси бўлади, бирлашади. Қалб бу мақомда “йўқлик”ка етишади. Қалбдан зикр қилинувчи Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса ўчирилади. Бу ҳолат зикр қилувчи орифнинг “фано” ҳолатига эришганини кўрсатади.

Мақомотни босиб ўтишдан мақсад (ҳамма солиқ ҳам тариқат мақомини тўла босиб ўта олган эмас) нафсни маҳв этиш ва шу асосда кўнгил софлигига эришиш, руҳий-маънавий мартабага кўтарилиш, риёзат билан қалбни Аллоҳ висолига тайёрлаш, энг асосийси, ҳамида ахлоқ эгаси бўлиш, эзгу ишларга чоғланиш эди. Бу жараёни микдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, ва аксинча, бир сифат ичкарасида содир бўладиган жараён мисолида кўриш мумкин. Шайх Абулҳасан Ҳарақоний (ваф. 1033 й.) кишининг мураққаъ ва сажжода, расм-русум ва одатлар билан сўфий бўла олмаслиги, унинг кун бўлиб қуёшга, кеча бўлиб ойга эҳтиёжи бўлмаслигини [9.209] эътироф этган бўлса, Шайх Абдурахмон Суллами (ваф. 1044 й.) аҳволда содиқлик ва муомалада одоб сақлаш лозимлигини таъкидлаган [21.51].

Шайх Абулқосим Қушайрий (ваф. 1074 й.) орифни зотилжамга ўхшатган, яъни аввали алаҳсираш, охири жимлик (сукут) [10.165].

Ирфон илоҳий, битмас-туганмас, интиҳосиз олий илмдир. Қуръонда “Эҳсоннинг мукофоти фақат эҳсондир” [18.60] дейилганки, бу илмни Аллоҳнинг эҳсони ва лутфига сазовор бўлганлар ўзлаштира оладиларки, ботиний олимнинг қалби ва тафаккури кўзга кўринмайдиган оламнинг сирлари билан тўладир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб, қуйидагиларни таъкидлаш лозимки, ирфоний билиш йўли шарият ва тариқат талабларини адо этиш, руҳий-ахлоқий поклик ва маърифий юксалиш (жазба, муҳаббат, Аллоҳга етакловчи куч) маънавий камолотни риёзат орқали мустаҳкамлаш бўлган;

мақомлардан босқичма-босқич ўтиш туфайли ирфон аҳлининг иродаси мустаҳкамланган, сабр-тоқати синовдан ўтган,

Аллоҳга бўлган муҳаббати кучайиб, ҳамида ахлокли сифатлари кўпайган, кўнгил эшиклари очилиб, эътиқод, ихлоси ортган, ва ниҳоят, қалб хурриятига эришган, ориф қалбини латиф ҳис-туйғулар қамраб олган;

ирфон қалб илми ва мақталган ахлоқ бўлса, ирфон аҳли ўзларида гўзал ахлоқни мужассам этган қалб илмининг билимдонлари бўлишган;

мақомотнинг туб моҳиятини тизимлилик принципи асосида таҳлил қилиш орқали англашилдики, орифнинг асл мақсади Ҳақ ризоси, юксак имон ва илоҳий сифатларни касб этишдир;

мақомотни босиб ўтган ва руҳий-маънавий юксалган орифда илм (маърифат), ҳилм (юмшоқлик, тавозеъ), тақво (парҳезкорлик), саҳв (хатони англаш), шукр (Аллоҳнинг марҳамати ва неъматига рози бўлиш), сидқ (ростгўйлик), вафо (аҳдга содиқлик), ризо (Аллоҳ тақдирига рози бўлиш), сафо (кўнгилни соф этиш), ишқ (муҳаббат) каби гўзал сифатлар мужассам бўлган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-қулуб (Қалблар кашфиёти). Тузатилган қайта нашр / Таржимон: Миразиз Аъзам. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2019. – Б. 39.
- Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким ат-Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода / Араб тилидан Абдулқаҳҳор Шоший таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 8-19.
- Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009. – Б. 26.
- Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати / Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. 13.
- Шайх Фаридуддин Аттор Нишопурий. Асрорнома (Мантиқ ут-тайр, Асрорнома, Илоҳийнома, Панднома, Булбулнома, Уштурнома). Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т.: Тамаддун, 2012. – Б. 4.
- Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Т.: Чўлпон, 1998. – Б. 13.
- Шайх ал-Калободий. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2002. – Б. 51.
- Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз / Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Т.: Тамаддун, 2013. – Б. 37.
- Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳ. С.Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. – Б. 45, 129, 188, 209.
- Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль-қулуб) / Пер. с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – Б. 20, 165, 178.
- Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 213.
- Ҳадиси қудсий / Таржимон Абу Муҳаммад Маҳбубий Марғилоний. – Т.: Мовароуннаҳр, 1992. – Б. 41.
- Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари / Таржимонлар ва арабча матнни нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Ҳикматуллаев, А.Мансуров. Махсус муҳаррир: Ҳ.Нурмуҳаммад. – Т.: Фан, 1990. – Б. 96.
- Аҳмад Яссавий. Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллийи / Нашрга тайёрловчилар Т.Қораев., А.Бозоров. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 88.
- Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 3.
- Ҳомиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари / Масъул муҳаррир З.Р.Исҳокова. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 45.
- Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор / Форсийдан М.Ҳасаний таржимаси. – Т.: Мусика, 2006. – Б. 24.
- Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 60.
- Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққул, А.Бектош. Масъул муҳаррир: С.Сайфуллоҳ. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 90.
- Авроди Қуръоний. Ҳафта кунлари ўқиладиган Қуръоний зикр дуолар / Мусанниф: Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Баҳриддин ибн Сафар ан-Нурий ал-Ҳанафий. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 19.
- Имом Абу Абдурахмон ас-Суллами. Табақоти суфийя. / Таржима, нашрга тайёрловчи ва муқад. муал. М.Нуриддинов. – Т.: Фан, 2004. – Б. 51.